

Маъданий ҳордиқ ва маънавий озуқа

Талаба-ёшларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни театр, мусиқа ва санъатга бўлган қизиқишиларини янада ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 муҳим ташаббусининг биринчи ташабbusи доирасида 2021-йилнинг 19-февраль куни институтимиз Ёшлар билан ишлаш бўйича проректори Р.Чориев бошчилигида профессор ўқитувчилар ҳамда 70 га яқин фаол талабаларимиз Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрига ташриф буюришиди.



Ташриф давомида профессор-ўқитувчиларимиз ва талабаларимиз театр биноси билан яқиндан танишдилар. Театр фойеси ва залларининг миллий анъаналаримизга хос тарзда безатилгани, нақшинкор деворлар ва устунларнинг бинога ўзгача кўрк ва тароват бериб тургани уларда ҳайратланиш ҳиссини уйғотди. Ташриф давомида театр репертуаридан ўрин олган “Тумор” рақс концерт дастурини мароқ билан томоша қилишди. Концерт таъсуротларга бой бўлиб унда талабаларимиз ўзбек ва турли халқлар миллий рақсларини мароқ билан томоша қилишди.



**Ёшлар билан ишлаш,
маънавият вамиаърифат бўлими М.Баратов Ахбороти
ТИҚҲММИ матбуот хизмати**